54 Хўш мана, кўряпсиз, Худо учун буни ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Сиз шунчаки бошқа калитни тикаяпсиз. Лекин тўғри келадиган калит бор, Худо... Худо ҳеч қачон сиз билан, методист, баптист ёки элликчи билан ёки ҳар қандай бошқа деноминацияда учрашишни ваъда бермаган. Деноминацияларни У ҳатто назарига олмайди. Улар Унга қаршидирлар.

55 Мана ўша узун Мактубда, шу яқинларда уни мен Чодирда гапираман. Ва ўшанда Джек ака буни эшитади ва ўшанда кўрасиз, буни нима қиларкансиз, чунки бу магнит тасмасига ёзилади.

56 Мана энди, одамлар ўзларини шундай тутадиларки, гўё Худо шунчаки уларнинг теологиясига асосан улар билан учрашишга мажбур. Мана одамлар ўзларини қандай тутадилар. Улар ҳатто бири бошқаси билан алоқа қилмайдилар. Учликлар ёки элликчилар ягоначилар билан алоқа қилишмайди, ягоначилар эса учликлар билан алоқа қилишмайди. Методистлар баптистлар билан, чунки уларнинг бири – қонунчилар, бошқалари эса кальвинистлар, шу сабабли уларда умуман ҳеч қанақа алоқа йўқ. Ва улар одамларни ақлини ўраб-чирмаб ташлайдиларки, улар ҳатто бири иккинчисига қарши бўлади.

57 Яқинда мен касалхона палатасига ибодат қилиш учун бордим. У ерда бир аёл ётган эди, жуда оғир касал, операция бўлиши керак эди, уни ўлиб қолади деб кутаётган эдилар. У ерда яна бир аёл ётган эди, ибодат қилишим учун менга кўнғироқ қилдилар. Мен унга: “Бир дақиқа ибодат қилсам агар, сиз қарши эмасми?” – дедим.

58 Ўша аёл: “Пардачани тортинг!” – деди.

59 Мен унга: “Кечирасиз”, – дедим. “Мен шунчаки ибодат қилмоқчиман холос”, – дедим мен.

60 “Пардачани тортинг!” – деди у.

...Худонинг Муқаддас Руҳини хафа қилманглар, Қайсики билан сизлар кирасиз ва токи нажот топмаган кунингизгача бошқа чиқмайсиз.

249 Инжил эса доимо ҳақ. У Сўзни у ёққа қўяди, бутун қутқарилиш манзарасини тузиш учун, Улар қаерга тегишли бўлса, ўша ерга қўйиш керак, кўрдингиз. Шундайми?

...Худонинг Муқаддас Руҳини хафа қилманглар, чунки Муқаддас Руҳ сизларни Худога тегишли эканлигининг ҳамда бир кун келиб бутунлай озод бўлишингизни далилидир. (Токи бутунлай озод бўлмагунингча.)

250 Сен ўша ерда муҳрланасан, сен Қон остидасан. Сен бошқа ташқарига чиқмайсан. Унда сен кимсан? Муқаддас Руҳ билан муҳрланган, хонадонидаги Худо ўғлисан. Иблис қанчалик ҳаракат қилганида ҳам сенга етиб боролмайди. Чунки сен ўлгансан – сени эски эркакни ўша қисми ўлган, ва сен кўмилгансан, ва сенинг ҳаётинг Масих орқали Худода яширин. Ахир қандай қилиб у сенга етиб бора олади? Сен қандай қилиб чиқа оласан? Сен у ердасан! Шон-шарафлар бўлсин! Энди мен буни қолдираман; шунчаки, мен нима ҳақида гапираётганимни билишингиз учун.

251 Сўнгра янги яратилиш, деноминацияни эмас, балки Сўзни. Сен – Каломнинг ижодисан. Чунки дунё яратилишидан олдин, Худонинг ўғиллари ва қизлари бўлиш тақдир этилган пойдевор тош сизларга қўйилган эди.

252 Буларнинг барчасини Тугалловчи Тоши бўлган Исо Ўз даврида қилгани каби келадиган Каломни тасдиқлаш учун тош устига тош ҳар бир даврда қўйилади. Унда (Исода.—Тарж.) ҳар бир давр жойланган эди. Исода Мусо бор эди. Исода Довуд бор эди. Исода пайғамбарлар бўлган эди. Тўғрими? Юсуфга қаранглар, қарийб ўттиз кумуш тангага сотилган, ўлди деб ўйлаб ташлаб кетдилар, чиқариб олдилар, борди ва фиръавннинг ўнг қўли бўлишгача етишди. Қаранглар, Исо айнан шундай...Му-...Юсуф Исода эди.

253 У келганида, У шоҳларнинг, пайғамбарларнинг (ҳаллелуйя) тўла-тўқислиги эди. Унда Худованднинг бутун борлиғи тўла-тўқис Унинг вужудида мавжуд эди. У Келинни бу ердан сотиб олиш учун келди, Дурдонани. Дурдона, Қайсики иблисга дейди...

254 Қачонки у: “Мўжизалар куни ўтди. Бўлмаган гап. Нималар деяпсиз, бундай нарсалар бўлмайди”, дейди.

255 “Йўқол кўзимдан шайтон”. Кўряпсизми? Кўряпсиз, боғда дурдона турибди.

256 Бир куни Якунловчи Тош қайтади, буларнинг барчасини Боши ва Ўзига Келинни қабул қилади; ахир аёл эркакдан олинади, эркакнинг бир қисми. Аёлда эркакнинг генлари, қайсики аёлни

240 “Ўз Исмини қўйишга танлаган жойда”. О-о, мана бунисига қойил! 1-Қоринфинликлар 12.

241 Эътибор беринг, Эфесликларга 4:30:

...Худонинг Муқаддас Рухини хафа қилманглар, чунки Муқаддас Рух сизларнинг Худога тегишли эканлигининг ҳамда (кейинги уйғонишдами? [Йиғилиш: “Йўқ”, деди—Тарж.])...бир кун келиб (вақти келиб,...охиратда, нажот тўлиқ рўёбга чиқадиган вақтда—Тарж.), бутунлай озод бўлишингиз далилидир.

...Худонинг Муқаддас Рухини хафа қилманглар, чунки Муқаддас Рух сизларни Худога тегишли эканлигининг ҳамда бир кун келиб бутунлай озод бўлишингизни далилидир.

242 Энди эътибор қилинглари. Келинг, буни ўзимизнинг Ёзув дарсимизга қўлаймиз. Унда бизлар менимча, тарқалсак яхши бўлармиди, мен одамларни чарчатиб қўяпман. Одамлар туриб кетяпдилар, кўряпсиз, чунки улар тушлик тайёрлашлари керак, улар бирор киши билан учрашмоқчидирлар. Улар бу ёққа келиб, кун бўйи эшитамиз деб ўйламагандилар. Тушуняпсизми? Лекин қаранглар, биласизми...

243 [Бен ака туради ва.. “Пайғамбар, биз сени севамиз”, деди—Тарж.] Бен ака сен билан ўрганаман. Дуоли бўлгин! Раҳмат, Бен ака мен сени яхши кўраман.

244 Агар билганингизда эди, бу йигит бизлар учун урушда нима машаққат тортганини; бутунлай отиб ташланган, дабдала бўлган ва шунга ўхшашлар. Уни ҳаётида ҳамма нарсалар бўлган, аммо Худо уни дуо қилди. У содиқ қолди. Хотини уни ташлаб, қочиб кетди ва яна турмушга чиқди ва уни болаларини олиб кетди. О-о, мен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман.

245 Лекин, барибир, Худо сени дуо қилсин, Бен.

246 У ҳозир у ерда бутунлай бўлакчаларда (осколка, урушдан кейинги асорат.—Тарж.), асабга тегадиган ва ҳоказолар. Шундай... Тушуняпсизми, Бенининг ўтмишини билиш керак. Худойим, бу йигитни дуо қилгин. Ҳа.

...Муқаддас Рух сизларни Худога тегишли эканлигини ҳамда бир кун келиб, бутунлай озод бўлишингизни далилидир.

247 Эътибор беринг! Мана энди, бу озроқ ранжитиши мумкин, лекин диққатингизни қаратинг. Мен билан тортишманглар, фақат ёдингизда бўлсин.

248 Исроил бир куни мана шу эшикка қаганида, эшикдаги қон, исм (қон ҳаёт), ва қон остига кирди, улар токи Мисрдан чиқмагунларича ўша ердан бошқа чиқмадилар.

61 Мен унга: “Хўп, хоним”, – дедим. Ўша аёл одатдаги Рикки кўринишидаги ўғли билан ўтирганди. Шунда мен уларга: “Хўп, ахир сиз христиан эмасмисиз?” – дедим.

62 Аёл: “Бизлар методистлармиз”, – деди.

63 Мен: “Хўп, мен сиздан буни сўрамадим. Мен сиздан христианмисиз ё йўқми, деб сўрадим”, – дедим. Кўряпсизми?

64 Шунда аёл: “Пардачани тортинг!” – деди.

65 Кўряпсизми, чунки методист бўлмаган кимдир, ўлаётган аёл учун ибодат қилмоқчи бўлаётган эди, қачонки унинг ўзи ҳам худди шу аҳволда эди. Аммо бу нарсани унинг деноминацияси билан боғлиқ бўлмагани сабабли, у ҳатто буни эшитишни ҳам ёки бунга қандайдир муносабатда бўлишни ҳам хоҳламайди. Агар шу фарзий бўлмаса, унда мен ҳали у билан учрашмаганман!

66 Шошмай туринг, Илоннинг изини эшитганингизда. Майли. Оҳ. Шундай қилиб, тасаввур қилинг, уларнинг деноминацияси – Худо тан оладиган, ягона ўша бўлсин деб, “Худо сен методист ёки баптист, ёки учлик, ёки ягоначи бўлмасанг, сени эшитмайди”, ёки шунга ўхшаш бирор нима. Бу нотўғри!

67 Энди мана менинг мақсадим. Лекин агар одамларнинг ақлида ва юрагида ҳақ бўлиш хоҳиши бўлса...Ўша аёл шуни қилди деб ўйламайман, чунки...ёки бошқа биров. Методист турмас ва методистлар черковини муҳокама қилмас эди, буни нотўғри деб ҳисоблагани учун ҳам бу ишни қилмаган бўлар эди. Буни тўғри деб ҳисоблайди одам. Ўзини кўрсатгиси келиб, уччилар ягоначиларни, ягоначилар уччиларни ва элликчиларни муҳокама қилади деб ўйламайман. У ўзини ҳақман деб ҳисоблайди. Сиз ҳам унинг тушунчасини ҳурмат қилишингиз керак. Биласизми, кўрпа икки томонга ёйилади. Аммо, эсингизда бўлсин, агар аёл ёки эракнинг юрагида улар тўғри деб ишонадиган бир нима бўлса, унда қаердадир мана шу тўғри деган бир нима бор. Мен кўпинча айтганимдай: “Тубсизликни чақирадиган тубсизлик бўлса, унда мана шу чақирққа жавоб берувчи тубсизлик бўлиши керак”.

68 Биласизми, айтишларича бир кунлар денгиз мушуги қирғоқ бўйлаб оёқларида юрган экан. Лекин ҳозир унда оёқлари йўқ, улар куракоёқарга (яъни, сузиш учун қанотларга туташпанжалар. – Тарж.) айланганлар, чунки у... мўйнали ҳайвон, қуруқликдан кетганида, денгизга, унга куракоёқлар керак эди. Табиатни ўзи унга оёқлари ўрнига куракоёқлар қилди, чунки у юришдан кўра кўпроқ сузар эди.

69 Ҳозир эслайман жанубий кутбгача етиб борган ўша буюк одамни. Уни ким дер эдилар? (Кимдир: “Берд”, – деди.—Нашр.) Берд. Айтишларича, унда мана шу экспедиция вақтида моли учун тикилган

кийими бўлган экан, қайсиники сути учун олган бўлиб, бу мўйнали кийимни моли совуқдан ўлиб қолмаслиги учун олган эди. Лекин у ўша ёққа етиб борганида, уларга ҳеч қандай мўйнали кийимга ҳожат қолмади, табиатни ўзи уларга уни ўстирди. Кўряпсизларми? Нима учун? Балиқнинг орқасида сузгичи бўлишидан олдин, у сузиши учун сув бўлиши керак эди, ёки бўлмаса, унда сузгичи бўлмаслиги керак эди. Ер юзида дарахт ўсишидан олдин, аввал у ўсиши учун ер бўлиши керак, ёки дарахт бўлмас эди.

70 Хуллас, кўряпсизми, инсон юрагида нимагадир илтижо қилаяпдими у ерда жавоб бериш учун, ушбу чақириқни қондирадиган нимадир бўлишлиги лозим.

71 Аёл... Шу яқинда бу ерда битта ўлган аёлни ёрдилар. Унинг ўлими сабаби, уларни айтишича, ўша аёл доим пиёз еган экан. Агар у пиёз емаса, бошида қичима ва шунга ўхшаш нарсалар бошланарди; улар буни тушуна олмас эдилар. Шу сабаб ёриб кўрганларида, аёлда қайсидир бир хужайраларида рақ ўсмасини топдилар. Улар бунга ном бердилар. Шунда улар шу ўсмани олиб, пиёз билан бир косага солдилар ва бир кечада ўша ўсма пиёз эритиб юборди. Кўрдингизми? Бу нима эди? Аёлдаги бир нарса пиёз талаб қилар эди. Ва агар пиёз бўлмаганида, ўсма ҳам бўлмас эди.

72 Бошқа сўз билан айтганда, яратилган нарсалар бўлишидан олдин, Яратувчи бўлишлиги керак. Тушуняпсизларми?

73 Шундай қилиб, агар инсон юрагида методистлар, баптистлар, пресвитериан, католик, қолган барчаки каби бу интилиш бўлса, ушбу ягона ҳақиқий йўлни топишга уриниб... уларнинг руҳонийлари, пасторлари ва бошқалари эса: “Мана шу ҳақиқий йўлнинг ўзи”, дейдилар. Айтадилар, руҳоний дейди: “Католик черковидан бошқа жойда қутқарилиш йўқ”.

74 Ҳа, ҳар бир черков ўз тушунчасини қабул қилади. Улардан баъзи бирлари буни очиқ эътироф этмайди, аммо улар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан қиладилар буни. Қиладиган ишлар сўзлардан кўра баландроқ гапиради. Бу оддий... Бошқача айтганда, улар католиклардан кўра кўпроқ иккиюзламачилик қиладилар. Католиклар очиқчасига ва тўғридан-тўғри: “Мен ишонаман, фақат шундай”, дея эътироф этадилар, лекин улар бундай қилмайдилар. Улар буни яширадилар, лекин уларни ишлари нима деб ўйлашларини исбот қилиб туради. Тушуняпсизми?

75 Хуллас, ўша бир жой бор бўлиши керак, чунки инсон юрагида ўшани топиш нияти бор. Ва биз нимага муҳтож бўлмайлик, Худо Каломиди ҳаммасига жавоб бор деб ҳисоблайман. Шунинг учун Худода жавоби бор ва келинлар, ҳозир уни Ёзувларда излаймиз. Ва ундан

оламан? Эшикдаги қоннинг таҳлили буни кўрсатяпти. Тушуняпсизми? Аҳа.

233 Менинг ҳаракатларим ва Худо Каломини мени ҳаётимда тастикланиши, мени Худо фарзандиманми ёки йўқлигимни кўрсатади. Шундай қилиб, Худонинг ягона бир жойи мавжуд. Буни тушуняпсизми? Худо сизнинг қурбонлигингизни қабул қиладиган ягона биргина жой бор (менга сизнинг қанчалик самимий эканлигини фарқи йўқ) – бу Масихда.

234 Ва унутманг...Сиз: “Энди, мен ҳам кираман деб ишонаман”, дейсиз. Эсингизда бўлсин Калом дейди...Сиз айтасиз: “Ҳа, Калом дейди: ‘Исо Масих Худонинг Ўғли деб ишонган ҳар бир одам, қутқарилган, қутқарилади’”.

235 У шундай дейди, аммо ёдингизда бўлсин худди шундай ёзилган, худди шундай ёзилган: “Ҳеч Ким Муқаддас Руҳнинг илҳомисиз Исони Раббим деб айта олмайди”. Кўряпсизми? Эҳтимол, сиз У Ўшадир деб айтарсиз, лекин, токи Сўзга Ҳаёт берадиган Муқаддас Руҳнинг Ўзи сени – Худо Ўғли эканлигини тастиклаш воситасида исботламагунича, бу бундай эмас. Мана шунақа Ёзув.

236 “Мен Ўз Исминни қўйишга танлаган жойда. Бошқа ҳар қандай маконларда, жойларда сажда қилманглар, балки Мен Ўз Исминни қўйган жойда сажда қилинлар; шунда Мен сизни қабул қиламан; сизлар Менинг Оиламдасизлар”.

237 Шундай қилиб, Худонинг оиласи оиланинг Отасини амирларига бўйсинади. “У эса – Тинчлик Шаҳодаси, Қудратли Худо, Абадий Ота; Унинг ҳукмронлиги ва бошқаруви то абад бўлади, Ҳукмронлик Унинг зиммасидадир”. Ҳамма У, Ҳукмдор, Подшоҳ, Эммануил, Биринчи, Охирги, Тинчлик Шаҳодаси, Қудратли Худо, Абадий Ота бўла туриб, Унинг болаларидан ҳар бири, ҳар бир Каломга қулоқ солади ва бажаради, чунки улар – Унинг бир қисми.

238 Биз ўзимизни уйимизда Бранхамлар қандай яшасалар, шундай яшаймиз. Сиз, Жоунзлар, ўз уйингизда Жоунзлар қандай яшасалар шундай яшайсизлар.

239 Худонинг уйида эса, биз Худонинг Сўзи билан ва Худонинг оғзидан чиққан Ҳар Бири билан яшаймиз; бошқа ҳар қандай ёлғонни эса биз эшитмаймиз. Тушуняпсизми? “Мен Буни черковнинг ҳар бир даврида қандай берсам шундайлигича хамиртурушсиз нон ейсиз”. Аммо орқага қайтиб уни мана бунга киритишга урунманг, чунки У пояга ўтди. “Қурбонликдан ортган суяк ва бошқа нарсаларни олинлар ва ёндириллар!” Тугатилди, черков даври ўлди, кетди; биз ҳозир бошқасидамиз. Омин.

чунки у буни билмаган эди. Элликчилар инъомларни тикланиши учун ўзга тилларда гапирдилар. Ҳар ким: “Бу ўша! Бу ўша!”, деди. Кўряпсизми?

227 “Ахир биз бир тана бўлишимиз учун бир Муқаддас Рухга чўндирилдик”, ва ўша Тана – бу оила, Худонинг оиласи. Ва бу Худонинг уйи, Худонинг уйи эса – бу Исо Масих Исми. “Раббийнинг Исми – мустаҳкам қалъа, солиҳ унга интилади ва хавфсизликда у”.

228 Ҳўш сиз қандай қилиб унвонлар ёрдамида кирмоқчи бўляпсиз? Қандай қилиб сизни чекингишни қабул қиладилар, агар сиз: “Муҳтарам доктор, хизматчи унвони бўйича тўланг”, десангиз? Тушунапсизми? Сиз муҳтарам доктор, хизматчи бўлишингиз мумкин. Лекин Раббийни Исми – бу Исо Масих. Тушунапсизми?

229 “Мен Ўз Исминини Ўзимнинг саждагоҳ уйим эшигини олдига қўйишни танладим, чунки Менинг Оилам, худди Мисрда бўлгани каби, у ерда Қон остида тўпланади. Ташқарида бўлган барча нарса ўлар эди. Ичкарида эса хамиртурушли нон йўқ! У ерда бир грамм ҳам деноминация аралашмаси йўқ. Менинг уйим, Менинг генларимдан туғилган болаларим!” Омин! Худога ҳамдлар бўлсин! “Уларда Менинг генларим! Мен уларга Ўз Сўзимни жойлаштирганман. Уларни Мен уларнинг юрак лавҳаларига ёзаман. Бу Менинг оилам, Исо Масих Танасининг оиласи—оила. Ва сизлар шу эшикка кирасизлар. Методистларга, баптист ё элликчиларга эмас, балки, Мен Ўз Исминини жойлаштирадиган эшикка”. Булар методистлар эмас, Худонинг Исми методист эмас. Худонинг Исми элликчи эмас. Худонинг Исми баптист эмас. Худонинг Исми католик эмас. Унақада бу эшикдан ташқарида турунг. Тушунапсизми? Кўряпсизми?

230 “Аммо Мен Ўз Исминини жойлаштиришган танлаган ўша жойда”. Хуллас, Каломда Худо Ўз Исминини жойлаштириши мумкин бўлган бошқа жой керак эмас, фақат Исо Масихда, зеро У – Худованд Исминини ва Худонинг инсоний Исминини қабул қиладиган Худо Ўғлидир. “Ва осмон остида сизлар қутқарилишингиз учун ўзга исм берилмаган”. Менга барибир, методистми, баптистми, пресвитерианми, катехизм ёки бирор ким [Бранхам ака минбарни олти марта тақиллатди—Тахр.]; фақат Исо Масих Исми орқали, қайсиники олдида хар бир тизза тизза букилади ва хар бир тил Уни – Раббий деб эътироф этади. Мана қандай кирасан.

231 Ва агар сен фақат сувда тўғри чўндирилган бўлсанг, кейин эса Сўзни рад этсанг, унда сен ҳаромзода; сенда нотўғри туғилиш бўлган. Сен ўшанда Унга ишонгандим дейсан, лекин сен Уни инкор қиляпсан.

232 Мен қандай қилиб ўз оиламни инкор қила оламан? Қандай қилиб Чарльз Бранхамм – менинг отам эканлигини инкор қила

кейин, агар Худо Ёзувлар билан ўша ягона жойни, ягона худудни (ягона деноминацияни, агар бу шундай бўлса), Худо одамни қандай қилиб учратишининг ягона усулини кўрсатса, унда биз бунда маҳкам туришимиз шарт, чунки биз Муқаддас Китобини Ҳақиқатини топдик.

76 Энди, Қонунлар деган сўз, асли келиб чиқиши бўйича бу сўзнинг ўзи: “икки қонун” деган маънони билдиради, Қонунлар деган сўз. Худога ҳам иккита қонуни бор. Иккита қонун: улардан биттаси – Сўзга бўйсунмаслик ва ўлим; бошқаси эса – Сўзга итоат қилиш ва Ҳаёт. Мана шуни ўзи иккита қонун. Қонунлар ҳам мана шу иккита қонунни билдиради. Бизга уларнинг иккиси ҳам Ёзувда мутлақо равшан кўрсатилган. Улардан бири ўлим, бошқаси – ҳаёт. Ҳаёт ва ўлим. Худо фақат ҳаёт билан иш тутади, иблис – фақат ўлим билан. Ва улар бутун дунёга очиқча кўрсатилган эди, ҳамманинг кўз ўнгида ва бунда баҳона қилиб бўлмади, ўзини оқлаш учун асос йўқ. Улардан бири Синай тоғида, қонун берилган вақтда кўрсатилган эди, у (қонун.—Тарж.) бутун инсоният ирқини ўлимга ҳукм қилди; бошқаси Гўлгота тоғида, Исо Масихда жазо учун тўлов тўланганида бутун инсоният ирқини ҳаётга олиб келгани берилган эди. Мана шу иккита буюк воқеаларда Қонунларнинг икки қонуни бажарилди.

77 Мен сизни яна эътибор беришингизни истайман, худди шундай иккита аҳд берилган эди. Битта аҳд Одам Атога берилган бўлиб, у шартлари билан, яъни: “Агар сен бунга тегмасанг, яшайсан; бироқ сен бунга тегсанг, ўласан”, – деб, қонун сифатида берилган эди. Бу қонун эди. Ундан кейин Иброҳимга бошқа қонун берилди, қайсики у иноят, марҳамат бўйича, шартсиз берилган эди: “Мен сени ва сендан кейин уруғингни қутқардим”. Омин! Бу Гўлготанинг рамзи, Одам Атони аҳдини рамзи эмас, бу Иброҳим аҳди эди.

78 Бироқ энди биз, Унинг, сиғинажак инсонга У пешвоз чиқадиган битта-ю-битта жой мавжуд эканини айтаётганини эшитиб турибмиз. Сиз буни бу ерда менинг лавҳамда эшитдингизлар. Биз бир неча дақиқадан кейин бунга яна қайтамиз.

79 Унда, агар фақат биргина жой бўладиган бўлса, Худо одам билан учрашадиган, биз яхшиси жуда эҳтиёткор бўлишимиз керак. Шундай қилиб, келинлар, бу эрталаб, якшанба мактаби дарси вақтида анъаналаримизни бир четга суриб қўямиз ва ўша ягона жойни топдик деб, тегишлича яхшилаб ишонамиз. Чунки Худо шу ерда, У сизни бошқа ҳеч қаерда қабул қилмаслигини айтди. Бошқа ҳеч қанақа черковда У сизни қабул қилмайди, фақат Унинг черковида, У сизни қабул қиладиган ягона жойда.

80 Хўп мана: “Бранхам ака, сен нима дединг? Агар мен самимий бўлсам-чи?” Йўқ.

81 Эслайсизми, Исо Унинг кунларидаги сажда қилувчи бир самимий одамларга мурожаат қилган эди ва У: “Сизлар Менга беҳуда сажда қиласизлар”, – деди. Уларнинг юракларидан чиқаётган ҳақиқий, чинаккам саждалар эди. “Менга сажда қилади, аммо саждалари беҳудадир. Чунки улар инсон яратган таълимотларни, қоидаларни ўргатадилар”, ёки уларнинг деноминация таълимотларини. Самимий, ҳурматли, иложи борича шундай диндорлар. Аммо бу фарзийлардан бошланмади. Қобил ва Ҳобил, мана шу ерда ер юзида туғилган табиий туғилган – биринчи икки сажда қилувчи, мутлақо шунақа ҳолатни қабул қилдилар.

82 Қобил ҳам худди Ҳобилдай диндор бўлган эди. Уларнинг иккиси ҳам қурбонгоҳлар қурдилар. Уларнинг иккиси ҳам Худони севар эдилар. Уларнинг иккиси ҳам қурбонлик келтирдилар. Иккаласи ҳам сажда қилишган эди. Иккиси ҳам ўндан бирини ушр қилиб берарди. Уларнинг иккиси ҳам ҳаммасини аниқ бир хил бажардилар. Аммо Ҳобил имон бўйича, қайсики очиқлик (ваҳий, Худодан бўлган тушунча.—Тарж.) ҳисобланади – Худо Каломининг очилгани, аниқланган, ифодаланган ва тасдиқлангани. [Бранхам ака кафедрани уч марта тақиллатди.—Таҳр.] Шарафлар бўлсин! Қобил қурбонлик келтирди, аммо Худо буни тасдиқламади. Худо сажда қилишни талаб қилди ва Қобил қурбонлик келтирди, аммо Худо буни тасдиқламади. Лекин ҳақиқий канал орқали...

83 Сиз айтасиз: “Ҳа, Бу менинг черковим ҳам. Менинг...”

84 Бир дақиқа шошмай туринг. Худо Ўз Каломини Ўзининг ифодалаш воситалари билан тушунтирди, шу воситалари билан У гапиради. [Бранхам кафедрани ака уч марта тақиллатди.—Таҳр.] Кўряпсизми, Қобил: “Мен диндорман. Мен ўз Яратувчимни севаман. Мен Сенга мана шу чиройли қурбонгоҳимни тортиқ қиламан. Мен Сенга мана шу қурбонлигимни келтираман. Раббий, мен буни ҳаммасини қурдим, чунки мен Сени севаман”, деди. Ҳобил ҳам худди шундай деди. Мана энди, гап шундаки, ким тасдиқланган бўлса, ўша исботланган. [Бранхам ака кафедрани уч марта тақиллатди.—Таҳр.] Худо тушди ва Ҳобилни қурбонлигини қабул қилди, чунки у ваҳий орқали Худонинг ҳақиқий каналига, қабул қилинган каналига тушди.

85 Энди кузатиб боринг, қандай қилиб Қобилнинг руҳи бутун Ёзув давомида ўтиб боради, ҳаттоки энг охири кунгача. Асослими? Бошқаси қандай бўлса, худди шундай асосли.

86 Болон пайғамбарга ва Мусо пайғамбарга қаранг. Иккаласида ҳам еттитадан қурбонгоҳ бор, Иегованинг қурбонгоҳлари, ҳар бирида қон бор; ва бундан ташқари, ҳар бирида биттадан қўй. Нумерология бўйича мутлақо тўғри сон, етти, “баркамоллик”, еттита қўйлар. Иккала

Исо Масих. Тамом. “Мен Отам Исмидан келдим, аммо сизлар Мени қабул қилмадингиз”.

219 Шундай қилиб, ёдингизда бўлсин, У шу билан бирга бу ерда қўшиб ва бизларни: “Бошқаси келади”, деб огоҳлантиради – деноминация, диний таълимот. “Улар ўз номидан келадилар ва сиз уларни қабул қиласиз. Сиз Мени, олдингизда тастик бўлган ва исботланган Сўзни қабул қилмайсиз”.

220 Ўшанда У қандай бўлган бўлса, У бугун ҳам шундай. Бутун мамлакат бўйлаб, одамлар, буни ўтқазиб юборманг! «Бошқаси келади, черков, ва сизлар бунга ишонасизлар, чунки сиз қандай истасангиз, шундай қиласиз. Мен буни тастиклайман». У ҳеч қачон ҳеч қайси вақт, юборган мактубидан ташқари ҳеч нима, ҳеч қачон, ҳеч қайси черковда тастикламаган: Лютерни оқланиши, Веслейни муқаддасланиши, эллигинчилар инъомларнинг тикланиши. Билишингиз мумкин. Ва улар бундан деноминация қилишлари билан, шу заҳоти ўлдилар. Ёзувнинг текширинг.

221 Лекин У: “Мен Ўз Исмини қўйиш учун жой танлайман”, деди. Ва ўша Исм Исо эди. Исо эса Сўздир, Юҳанно 1-боб. Тўғрими? Мана шу Масихда, Сўзда сажда қилиш жойидир. “Мен Отам Исмидан келдим”.

222 Пайғамбар: “Унинг Исмини Эмануил деб қўйишади”, деган. Агар очмоқчи бўлсангиз, бу Матто 1:23. Исо, Иегова, Қутқарувчи.

223 Шундай қилиб бешинчи оят У Эшик эканлигини кўрсатади. Лекин ҳозир, кўплаб бошқа кўринмайдиган далиллар билан: мана шу макон билан, исм ва жой билан исбот қилиш мумкин, Худованд сиғинаётган одам билан учрашадиган фақатгина бир жойи бор эканлигини, бу унинг Масихда бўлганида.

224 Энди, энди гап шундаки: “Биз Унга қандай кирамиз?”. Хўш, бу бироз ранжитиши мумкин. Лекин, биласизми, худди дори қабул қилгандагидек, агар ундан мазанг қочмаса, у сенга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Тушуняпсизми?

225 Хўш, лютеранлар биргина усул – лютеранлар черковига қўшилиш билан кирмоқчи бўлдилар, методистлар хитоблар қилиш билан кирмоқчи бўлдилар. Элликчилар ўзга тилларда гапириш билан кирмоқчи бўлдилар. Бу ҳали ҳам тўғри эмас! Тушуняпсизми? Йўқ, булар инъомлар ва шунга ўхшашлар. Лекин Коринфинликларга 12-да “Бир Руҳ билан”, дейилган. Худо Руҳи билан, қайсики У ўша Уруғни, ўша вақтнинг даврига тастиклаш учун, Уруғга, Сўзга Ҳаёт Берувчи ҳисобланади.

226 Мана бу ерда методистлар даврининг уруғи ётибди, мана шу уруғни ҳаётга олиб келиш ва тоза—черковни муқаддаслаб тозалаш учун, Муқаддас Руҳ керак бўлиб қолди. Лютер буни ваъз қилмади,

Ажабланарли эмас... “Бу сирни сенга тана ва қон очмади [Бранхам ака уч марта кафедрани қоқди—Тахр.], балки осмондаги Бор бўлган, Менинг Отам очди сенга Мени Кимлигимни. Мана шу қоя устида Мен Ўзимнинг сажда қилиш жойимни қураман, ҳатто ўлим шоҳлиги ҳам уни тебрата олмайди”. Омин! О, Худонинг Тирик черкови, фақат Исо Масихнинг мустаҳкам пойдеворида тур. Мана бу қўшиқни куйлаш мумкин, аммо сен Масихда, Сўзда бўлмасанг, сен сочилиб, уваланиб кетадиган тупроқдасан. “Лекин мана шу қояда, – Масихда, – Менинг Сўзимда”.

215 У лютеранлар мактубини қурди, ва улар уни деноминациялаштирдилар. У ўсди, бу супа эди. Ундан кейин У оёқ қисмигача ўсди, методистлар ва ҳоказолар. Мана қаерда У Ўз черковини қурди, Унинг Каломида! Хўш, У фақат оёқлар ёки бўксалар эмас, У – Тана; ҳозир эса тугалловчи қисми. Эътибор берганмисиз эҳромда...мен эҳром динини тарғиб қилмасамда.

216 Аммо биринчи ёзилган Инжил осмонда ёзилган, зо-...[Тасмада бўш жой—Тахр.] Сиз бунга эътибор берганмисиз? Сунбуладан бошланади буржларнинг биринчиси. Охиргиси – Арслон, арслон. Аввал У қиз орқали келди, кейинги сафар Яхудо қабиласидан Шердай келади. Бундан шундан олдин Қисқичбақа, Балиқ, қолган барча даврлар келади. Агар бизни вақтимиз бўлганида эди, биз буларни ҳаммасини ўтар эдик; бизни Скинияда эса ўтиб бўлинган.

217 Ва эҳр—эҳром, шу пойдеворларда туриб, шоҳнинг хонасига киришгача. Ва ўша еттинчи деворга келишинг олдидан, у ерда тақдим этиш учун ёғоч таёқча бор, у ёққа сизни подшоҳга элтиш учун элчи чиқади (Подшоҳни таништирган Элчи Яхё Чўмдирувчи.). Бироқ асосий Тош рад этилган эди. Ва улар билмайдилар, Скоуннинг Тошими ёки у нима бўлганида ҳам, уни қаердалигини билишмайди, чунки бу рад этилган тош. Лекин бу ўша ҳаммасини тугатадиган, қайсики черковнинг етти даври давомида уни эҳром қиладиган ўша тош эди. Иноятни қўй, бунни қўй, уни қўй, у ерда еттида қўшимчалар бор, охиргиси – бу Масих. Бунни ўз севгинга қўй, ўз раҳм-шавқатинга иноятни қўй, яна ниманидир қўй, ва яна ниманидир, токи Масихга – Асосий Тошга етиб бормагунича. “Мен Эшиқдирман”.

218 Мана энди, ўғил доим отасини номидан келади. Ҳар қандай ўғил ўз отаси номидан келади. Исо уларга: “Мен Ўз Отам Номидан келдим”, деди. Унда Отанинг исми қанақа эди? Ўғилнинг Исми қанақа? У яна: “Яна бироздан кейин дунё Мени кўрмайди, лекин сизлар Мени кўрасизлар”, деди. У Муқаддас Руҳ кўринишида келди, худди ўша Исонинг Ўзи. Мана нима учун улар: “О, Исо!”, деб сажда қилган эдилар. Кўряпсизлар? Кўрдингизми? Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ – бу Раббий

қурбонгоҳ ҳам аниқ бир хил. Бири қандай бўлса, иккинчиси ҳам худди шундай асосли, мустаҳкам. Аммо кимни тасдиқлади Худо. Кўряпсизми? Кимки Унинг Сўзида бўлса, ана ўшани. Фундаменталлик, асослилиқ жуда аҳамиятга эга эмас; асосийси – Худонинг очиқлиги, ваҳийси.

87 Энди ўйлаб кўринг! Мана шу одамлар (фарзийлар), Исо томонидан: “Беҳуда Менга сажда қиласизлар”, – деб, нима учун ахир бунақа аҳволга қўйилгандилар? Унга сажда қиладилар. Ҳақиқий сажда, чин юракдан сиғилнш. “Сизлар...Менга беҳуда сажда қиласизлар”. Нега? “Таълимотларига, уларни инсоний урф-одатларига ўргатиб, шунинг учун ҳам сизлар Худонинг амрларини одамларга таъсир қилишидан маҳрум қиласизлар”.

88 Агар мен сизга методистлар мактубини келтирганимда эди, у сизларга таъсир қилиш кучига эга бўлмас эди. Ҳозир Келиннинг вақти. Агар Мусо Нуҳнинг мактубига ўргатса эди, у таъсирга эга бўлмас эди. Чунки у ерда олдиндан белгиланган уруғлар ётибди, қайсики улар ўша уруғ учун берилган фақат ўша турдаги сув билан суғориладилар. У ҳеч қандай бошқа шароитда ўсмайди. Уни ўстирадиган шароит худди шунақа бўлиши керак.

89 Хўш, товуқ тухумини олиш ва инкубаторга қўйиш мумкин, у товуқни тагида бўлиши керак, бироқ у барибир жўжа очади. Уни кучукни остига қўй – у ёриб чиқади. Бу иссиқлик, шароит уни очиб чиқишига ундайди. Қарабсизки, бу нарса маълум бир шароитларда бўлиши керак. Яхши бир тирик тухумни олиш ва уни ўлик товуқни остига қўйиш мумкин, у очиб чиқмайди. Гап шароитда.

90 Хўп, ўзимиз яшаб турган мана шу даврда ҳам шундай. Бу нарсани мана шу даврга Худонинг амалга ошириш усулини топиш керак. Мана нимани топди Мартин Лютер, мана нимани топди Джон Веслей, мана нимани топди элликчилар ўз даврида, Худонинг даврига ва бу учун вақтини.

91 Мана энди, элликчилар. Ўша ака, бир... Менимча, унинг битта кўзи йўқ эди, қора танли биродар, қайсики у ҳақиқатдан Калифорнияда элликчилик мактуби билан уйғонишларни бошлаган эди, эски Азуса кўчасида. Унинг устидан кулдилар, у негр бўлгани учун ҳам, уларни устидан масхара қилдилар, аммо у ўша даврга мактуб олиб келди. Оддийгина одамча, уни ўзи ҳатто ўз исмини эплаб ёза олмас эди, лекин Раббий унга, бу давр инъомларни қайта тиклайдиган давр эканлигини очди ва улар келдилар. Нима дейилаётганини аҳамияти йўқ, бу келди. Лекин ҳамма бунинг муҳитига кирдилар ва бу нарса ўша даврга бўлганини кўрдилар, Худо тасдиқлаганини ҳам кўрдилар ва одамлар ўзга тилда гапирдилар ва

ҳоказолар, булар юз берди. Лекин кейин, бу нарсани “бирдан бир далил-исбот”, деб жорий қилганида, бу нарса уларни ҳалок қилди. Тушуняпсизми? Шу билан кетди, тушуняпсиз. Мана нима сабабдан бу бўлган эди. Ундан кейин улар уни, буни ажратишни ва деноминация қилишни бошладилар; бири боғдан келса, бошқаси тоғдан келаверди. Шу боис, о-о, бошланиб кетди.

92 Мана деноминация нима қилади. Тушуняпсизми? Худо деноминацияни яратгувчиси эмасдир, чунки деноминация – бу Бобил, У эса парокандаликининг яратгувчиси эмас. Биз кўряпмиз буларнинг ҳаммаси қандай...Буни кўриш учун ақлли бўлиш керак эмас ҳатто. Бу Бобил! Тушуняпсизми? Анъана. Софдил одамлар, бу ҳақида бир ўйлаб кўринглар. Мана энди, шу вақтгача, чунки улар бунга ишонадилар, илгаригидек Худо учрашадиган ўша биргина ҳақиқий жойни топиш керак.

93 Энди 2-оятга эътибор беринг: “Мен танлайдиган жойда сажда қилинглари”. Албатта, қурбонлик, улар сажда қилган жойда, қурбонлик келтирган жойда. “Ўша жой, Мен танлаган жой. Сиз танлаган эмас, одамлар танлаган эмас, аммо ўша, Мен танлаган жой. Мана шу жойда сажда қилинглари”. Унда бу фақат битта жой борлигини кўрсатади. Қолганлари – беҳуда. Бу сизнинг танловингиз бўлмаслиги керак, аммо бу Унинг танлови бўлиши лозим.

94 “Хўп, мени черковга боришим шарт эмас”. Ёки: “Сенда савиянг шунақа даражада паст! Сен ҳатто ваъз қилувчи аёлларга тинчлик бермайсан ёки сочини қирқадиган аёлларга, ва барча қолган нарсалар хусусида эркакларга ҳам. Ахир сенинг дунёқарашинг шунақа тор-да!”

95 Майли, сиз бу масалада Худонинг йўлига риоя қилишга мажбур ҳам эмассиз. Ўша ёққа, буларни ҳаммасини қилаётганларга боринг. Тушуняпсизми? Ва сиз буни Ёзувдалигини топасиз, хуллас: “Менга беҳуда сажда қиладилар”. Исо ҳам худди шу ҳақида айтган эди. Тушуняпсизми?

96 Ҳар бир заррасида, сиз ҳамма нарсада тўғри бўлишингиз керак. Доим айнан кичкина новда...Кичкина—кичкинагина тулки узум токини бузади. Баъзан...қолдирасан. Гап сиз бажараётган катта нарсаларда эмас, гап чала қолиб кетаётган ўша майда нарсаларда. Эсингизда бўлсин, занжирнинг энг бақувват жойи, унинг энг нимжон ҳалқасида бўлади. “Худонинг барча амрларини бажараётганлар бахтиёрдирлар, зеро У билан киришга ҳақли”. Худо нима деган бўлса, ҳаммасини бажаринг.

97 Агар аёлларнинг сочлари узун бўлсин дейилган бўлса...Сиз айтасиз...Яқинда бир киши менга деди: “Мен кийимларнинг динини ваъз қилмайман”.

Кўряпсизми? Бу зўрлик билан қилишдир, сени мажбур этадилар. Кўряпсиз, бу ҳам Бобил. Лекин Масихга танлов орқали кирасан, мажбуран эмас. Юрагинг сени тортади.

206 Худо деди: “Мен, унда, Ўнинг Исмимни Бобилда жойлаштирмайман”. Энди диққат билан. У Ўз Исмими Бобилда жойлаштиролмади, черковда. О-о улар Унинг Исмими ўша ерга жойлаштиради, лекин У эмас (У бундай қилмайди—Тарж.).

207 Энди сиз: “Ҳа, нима бўлибди шунга, Бранхам ака!” – дейсиз. Шошманг, сабр қилинг, бемалол ўтириб туринг. Сиз мени бироз давом эттиришимни сўрадингиз. Ҳамма гап шунда-да. Кўрдингизми? ...эмас. Ҳозир диққат қилинг, Унинг Исмими Ўша ёққа қўйдилар, бироқ У эмас.

208 Мана энди, У деди: “Мен сени учратадиган ва қурбонлигини қабул қиладиган жой, Мен Ўз Исмими жойлаштиришим учун танлайдиган ердадир. Мана шу маконда, мана шу эшикка, Мен Ўз Исмими қўйиш учун танлайдиган жойимга киришлар. Мана қаерга келинглари”.

209 Улар бўлса: “Бу Масих Черкови”, деб жойлаштирадилар. Агар мана шу мардонавор даъвомизда бирор нима нотўғри бўладиган бўлса, унда бу ўша, у ерда улар чиқарган “анти” деган сўз бўлади. (“анти” – қарши дегани.—Тарж.) Аҳа. У нимага ўргатган бўлса, улар Бунга қаршилар. Замоनावий фарзийлар.

210 Лекин, бизлар У Ўз Исмими жойлаштирган ўша жойни топишимиз керак, чунки Унда Бунинг ягона жойлаган Макони. Омин! [Бранхам ака қарсак чалади—Таҳр.] Шон-шарафлар! Кузатиб туринг! Қаерга ўзи Ўз Исмими қўйди? Ўз Ўғлига.

211 “О-о, Бранхам ака, бир дақиқа тўхтангчи. Бу Ота эмас, Ўғил эди”, дейсиз сиз.

212 Ўғил ҳар доим ўз отасининг номини қабул қилади, ҳар қандай ҳолатда. Мен ер юзига Бранхам номи билан келдим, чунки менинг отамнинг исми Бранхам эди.

213 Исо уларга: “Мен Отамнинг Номидан келдим, аммо сизлар Мени қабул қилмадингизлар”, деди. Хоҳлайсизларми Ёзувни очамиз бунга? Муқаддас Юҳанно 5:43. Куряпсизми? “Мен Отамнинг Номидан келдим, аммо сизлар Мени қабул қилмадингизлар”. Шунда Ота “Исо” бўлган Ўз Исмими, Ўғли жойлаштиради. Ва У Йўлдир, У Эшиқдир, У Уйдир, У – мана Худо қаерда Ўз Исмими қўйишни танлади. Худо Ўз Исмими менга қўймади, У Уни черковга қўймади, У Уни методистларга, баптистларга, қатоликларга қўймади, балки Уни Масихга, Мойланган Эммануилга қўйди.

214 Исм эса Сўзда турибди, чунки Унинг Ўзи Сўздир. Омин! Унда У Ким ўзи? Таъбирланган Сўз – бу Худо Исмининг намоён бўлиши.

197 Эътибор беринг. Мана шундай, бу ерда биз деноминацияни, диний таълимот ва қолган барча хамиртурушли нон қўшимчаларини хамиртурушсиз нон билан аралаштириш мумкин эмаслигини тушунишимиз керак. Инжил ҳам бу ерда сажда қилишга кириш ҳақида тимсоллар кўринишида хабар беради, ўзи билан хамиртурушли нон олиши мумкин эмаслигини, ва Худо буни қабул қилади.

198 Сиз: “Мен методистман”, дейсиз. Шу заҳотиёқ ҳалок ўласиз! “Мен элликчиман!” Сен ўласан!

199 Мен Масихчи. Бу тўғри. Сен нимададир туришинг керак. Тўғри. Сен нимададир турасан.

200 Черчил икки бармоғини кўтариб деди: “Ғалаба биз томонда”. Ва Англия шу учун турди, улар Черчилга ишонишди.

201 Шу учун хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мана шу эрталаб нимадир учун турибсиз. Фақат бир нарса бор, нима учун туриш ва яшаш мумкин, бу ҳам бўлса Масих, Сўз. Тўппа-тўғри.

202 Эътибор беринг, Инжилда фақат Бобил деноминациянинг рамзи ҳисобланади. Бобил эса Нимрўд томонидан асос солинган эди, Нимрўд эса хоин эди. У ерда унинг бир гуруҳ аёллари, гўёки қироличалари бўлиб, улар пайғамбар аёллар эдилар. Ҳатто ўша Болом ўша йўналишдан эди деб ҳисоблайдилар. Улар сажда қилган нарсаларининг томири ва ҳоказолари бор эди, сиз буни биласиз (сизлардан кўпларингиз, олимлардан, ким Хислопнинг “Икки Бобил”ни ва бошқаларни, черков тарихини ўқигансиз), улар буни қандай қилганларини. Уларда бу ишни қиладиган аёллар бор эди ва аёллар... маъбудалар ва бошқалар, бу нарса мажбурий дин эди. Ҳамма, Бобил атрофида ҳар бир шаҳарни Нимрўд олдида минорага келиб сажда килишлари учун Бобилга келишга мажбурлар эди. Тушунапсизми? Бу ҳақиқат. Уларни бундай қилишга мажбурлар эдилар, Бобилга боришга. Мана парокандалик қаерга келди.

203 Бугун черков билан ҳам худди шундай. “Агар сен якшанба мактабига қатнашмасанг, агар сен мана буни қилмасанг, сен буни, бошқасини ва учинчисини қилишинг учун сени ёллашга тўғри келади”.

204 У ерда Тусонда бугун тонгда эшитяпдилар, бир кун менда савол туғилди... Мен доим одамларга: “Черковга боринглар, фарқи йўқ қаерга боришларингизни” деб юрганман. Ва мен кўрдимки, одамлар гўёки ўзларини тўхтатиб турадилар ва бошқача йўл тутадилар. Мен шунда: “Гап нимада экан ўзи?” деб ўйлаиб қолдим.

205 Уларнинг баъзи бирларига бордим: “Келганингдан, биринчи кунни ўзида, сени олдинга келадилар: ‘Бизни черковга қўшил’. Агар шундай қилмасанг, сени у ерда кутмайдилар”. Кўряпсизми?

98 Мен унга: “Унда сен Хушхабарни ваъз қилмаяпсан экан”, дедим. Ҳа.

99 Худо буни у ерда баён қилгди, У нима қилишни айтди. Ё сен буни бажарасан...Бу сенинг табиий далилинг. Қанақа майда нарса...шунақа арзимас. “Ҳамма майда нарсаларни қабул қилаётган, икир-чикирларини ҳам бажараётганлар бахтиёрдирлар”, – деди Исо. Ва аёл сочини ўсишига қўйиб туриб, бу оддий...бу уни қила оладиган иши, у эса ҳатто шуни ҳам қилмайди. У ҳатто шуни ҳам қилмайди.

100 “О-о, бизларни буюк ишларга ўргат”.

101 Қандай қилиб буюк ишларга ўргатиб бўлади, қачонки сиз оддий, одатдаги нарсаларни бажармайсизлар? Чунки кўриб турибсиз, сизни мотив ва ниятларингиз бузуқ.

102 “Раббим, Сени мендан нимани иташингни менга аҳамияти йўқ, мен буни бажаришни истайман”, – мана бу сизнинг Худога бўлган севгингиз. Шунда сенда бир нима бўлади. Аммо сен агар бу нарсани шу тарзда қилмас экансан, У буни қандай қилишни айтганидай...

103 Бу Унинг танлагани. “Мен танлаган ўша жой”. Мана қаерда ўз қурбонлигинг билан сажда қилишинг керак.

104 Сиз қўясиз... Қобил ўз қурбонлигини келтирди, Ҳобил ўзиникини. Сен уни қаерга келтиришингга боғлиқ. Агар сен уни У танлаган ўша жойга келтирсанг, ҳаммаси жойида бўлади, У қурбонлини қабул қилади; агар бундай бўлмаса, У уни қабул қилмайди. Худди ўша қурбонлик бўлса ҳам, нима бўлишидан қатъий назар, аҳамияти йўқ, у аввалгидек рад этилган, агарда танланган ягона аниқ ўша жойда келтирилмаган бўлса.

105 Энди биз бу қурбонликни қаерга элтишимиз кераклигини билишни истаймиз. Агар биз билолсак эдик... Биз ҳаммамиз осмонга кетишни хоҳлаймиз. Шундай эмасми? Ва биз нотўғри иш қилганимизни ҳаммамиз биламиз. Биз ҳаммамиз Исо Қурбонлик эканлигига ишонамиз. Энди биз Уни қаерга келтиришни билмоқчимиз, ва у қабул бўлади. Тушунапсизми? Тўғри. Инжил бизга Уни қаерга олиб келишни айтаяпди, ва шунда у [қурбонлик—Тарж.] қабул бўлади; бундан бошқа тарзда бўлса қабул бўлмайди.

